# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 6 март, № 45 (5719) Чоршанба

**Маҳаллийлаштириш дастури:**

# Юксак эътибор ва салмоқли натижалар

*Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси билан бутунлай янги соҳа — автомобилсозликка асос солинди. Бугунги кунда ушбу тизим корхоналарида нафақат замонавий юк ва йўловчи ташиш машиналари, енгил автомобиллар, балки улар учун бутловчи қисмлар ҳам ишлаб чиқарилаётгани ҳар биримизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.*



ИСЛОҲОТ

**Ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Андижон вилоятидаги ҳудудий корхоналар томонидан**

**74,6**

**миллиард сўмлик бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди.**



Айниқса, кейинги йилларда Асака автомобиль заводига эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослаштирилган кўплаб корхоналар ташкил этилаётгани, улар бош корхонага ҳамоҳанг тарзда техник ва технологик жиҳатдан янгиланаётгани импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Андижон туманидаги "Анд-саноат-пласт" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Бундан олти йил аввал, бор-йўғи, уч киши билан иш бошлаган мазкур корхонада "Матиз" ҳамда "Нексия" автомобиллари учун ички ва ташқи пластмасса қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ўтган йиллар давомида жамоа аҳли тайёрлаган маҳсулотлар автомобилсозлар синовидан муваффақиятли ўтди.

— Ташаббус кўрсатиб меҳнат қиламан деган ҳар бир инсонга етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган, — дейди корхона ижрочи директори Мақсудбек Ҳаитбоев. — Сармоя керак бўлса, молия муассасалари ёрдамга келаяпти. Илғор технологияларга қизиқиш билдирсангиз, барча йўллар очиқ. Тадбиркорга бундан ортиқ эътибор ва ғамхўрлик бўладими? Фақат астойдил ишлаш, изланиш, янгиликларга дадил қўл уриш керак.

Мақсудбек ва унинг сафдошлари айни шу йўлдан бориб, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бутловчи қисмлар тайёрлашни такомиллаштиришга эришдилар. Бош корхонадан ташқари, "Ўз Донг Ян ко", "Ўз Корма ко" қўшма корхоналари билан манфаатли шартномалар имзолаб, Бўтақора қишлоғида жойлашган энергетика касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан ўн нафарини ишга қабул қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

## АХБОРОТ

*2013 йил 5 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.*

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисини шу йил 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришни, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришни назарда тутадиган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил 20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Қонунни ҳам муҳокама қиладилар.

Шу билан бир қаторда, Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Бош прокурорнинг «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини муҳокама қиладилар. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилалар фаровонлигини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу жараённи кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Давлат дастурининг еттинчи бўлимида оилани янада мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ва уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Жамиятимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим институтни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда "Ёш оилалар учун тураржой" дастурини амалга ошириш давом эттирилади.

(Давоми 2-бетда).

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 5 март куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, банк-молия, авиаташув, суғурта, нефть-газ, автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, кимё ва енгил саноат, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, ахборот коммуникациялари, геология, тоғ-кон металлургияси, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири, қўмита ҳамраиси Рустам Азимов Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг февраль ойида Японияга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон — Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталари муҳим ўрин тутади. Мазкур қўмиталарнинг навбатдаги қўшма мажлисида Япониянинг етакчи фирма ва компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани Япония ишбилармон доираларининг Ўзбекистон сармоявий салоҳиятига қизиқиши ортиб бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон билан Япония ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўндан зиёд қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 14 компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатаётир. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради.

(Давоми 2-бетда).

ТУҲФА

## Спортчи қизларга — Президент совғалари

*Юртимизда қизларни спортга жалб этиш ва уларни доимий рағбатлантириб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда республикамизнинг барча жойларида спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи қизларга Президентимиз совғаси — спорт кийимлари топширилаётгани бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.*

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, махсус мактаб интернатлар ва Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, мунтазам спорт билан шуғулланаётган қизларга Президент совғаси — спорт кийимлари топширишга бағишланган тадбирлар Оролбўйининг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

## Фермерлик ҳаракати истиқболи

Кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжумани давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йил 22 октябрда имзоланган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросига бағишланди. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзпахтасаноат" уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари мутасаддилари, мутахассис ва олимлар қатнашди.

Қайд этилдики, тармоққа замонавий технологияларни жорий қилиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, консалтинг марказлари, шунингдек, кооперация алоқаларини шакллантириш ва кенгайтиришга кўмаклашиш Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

МЕЛИОРАЦИЯ

## Замин меҳрдан яшнайди

Президентимиз халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида кейинги йилларда бу ерда қишлоқ хўжалигида катта ютуқларга эришилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эдилар: "Фарғона вилояти ўзининг қадимий деҳқончилик мактабига эга, тупроқдан зар ундиришга қодир бўлган ҳақиқий миришкорлар юрти ҳисобланади".

Дарҳақиқат, ота-боболаримизнинг бой тажрибаси, замонавий илм-фан ютуқлари асосида 250 минг гектар майдонда деҳқончилик қилаётган вилоят меҳнаткашлари пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик ва бошқа тармоқларда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу билан юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



(Давоми 3-бетда).

# Спортчи қизларга — Президент совғалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нукус шаҳрида ўтказилган шундай маросимда сўз олганлар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини, айниқса, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Тадбирда спорт билан мунтазам шуғулланаётган минг нафардан зиёд 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президент совғалари тантанали равишда топширилди.

### ХОРАЗМ

Ўқувчи қизларга Президентимиз совғаси — спорт кийимларини топширишга бағишлаб Урганч Олимпия захиралари спорт коллежида ўтказилган тантанали тадбир ёшларнинг чинакам байрамига айланиб кетди. Шу куни шаҳарнинг 1400 нафар спортчи қизи давлатимизнинг беқиёс ғамхўрлигидан баҳраманд бўлди.

Айтиш жоизки, ҳозир Хоразм вилоятида 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 52 минг нафардан ортиқ қиз спортнинг 31 тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 47 минг нафардан зиёди қишлоқ жойлардан эканлиги қувонарлидир. Машғулотлар мунтазамлигини таъминлаш мақсадида жойларда барча зарур шароитлар яратиб берилган.

Шундай қилиб, гўзаллик ва нафосат байрами арафасида вилоят бўйича жами 14 минг 255 нафар ўқувчи қизга спорт кийимлари тантанали равишда топширилди. Уларни қабул қилиб олган эртамиз эгалари ёшларга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга ўз миннатдорликларини билдирдилар.

### САМАРҚАНД

Самарқанд вилоятида ҳам таълим муассасаларининг спорт билан доимий шуғулланаётган ўқувчи қизлари, боқувчисини йўқотган ва давлат қарамоғида бўлган болалар муассасаларининг тарбияланувчиларига спорт кийимлари тантанали равишда топширилмоқда.

Ургут туманида ўтказилган ана шундай тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчи қиз, уларнинг ота-оналари иштирок этди. Она Ватанни, обод ва фаровон ҳаётни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради, бадиий гимнастикачи қизларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди. Шу куни вилоят ҳокимлигининг мутасадди ходимлари, тумандаги жамоатчилик вакиллари иштирокида ургутлик 3314 нафар ўқувчи қизга спорт кийимлари топширилди.

— Бунгача Каттақўрғон шаҳри, Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон, Нуробод, Пастдарғом, Булунғур, Самарқанд, Тайлоқ туманлари ўқувчи қизлари шундай совғалардан баҳраманд бўлишди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Самарқанд вилояти филиали директори Фурқат Ҳожиев. — Умуман, бу йил вилоятимиз бўйича 25 минг 775 нафар қиз спорт кийимларини туҳфа сифатида қабул қилиб олади.

### ҚАШҚАДАРЁ

Спорт билан мунтазам шуғулланаётган қизларга Президент совғаси — спорт либосларини топширишга бағишланган тантанали маросим Қарши Олимпия захиралари спорт коллежида ташкил этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор, аввало, соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилмоқда. Спорт инфратузилмасининг ривожланиб бораётгани, ўз навбатида, янгидан-янги истеъдодларни кашф этиш имконини бераяпти. Масалан, сўнгги йилларда Қашқадарё вилоятида республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида қатнашиб, қатор муваффақиятларга эришаётган қизлар сафи анча кенгайди.

Вилоятда спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика ҳам жадал ривожланаяпти. Ҳозир вилоят марказидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида умумий қиймати 6 млрд. 700 млн. сўмга тенг бўлган янги бадиий гимнастика саройи барпо этилмоқда.

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида вилоят бўйича жами 25 минг 200 нафар спорт билан шуғулланаётган ўқувчи қизга Президентимиз совғалари тантанали равишда топширилди.

**Вилоят мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# Қулай инвестициявий муҳит

## иқтисодиётимиз равнақида алоҳида ўрин тутади

*Навоий шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари ва экспертлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.*

Унда чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларни жалб қилиш, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларини ижро этиш борасида вилоят маҳаллий ҳокимият органлари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш стратегияси қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш ва тобора кўпроқ чет эл инвестицияларини жалб этишда ҳал қилувчи омил бўлаётгани таъкидланди. Ўз навбатида, бу борада қабул қилинган қонунлар мамлакат инвестициявий сиёсатини рўёбга чиқаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш керак, бугун Навоий вилояти мамлакатимизнинг йирик индустриал ва маданий марказларидан бири ҳисобланади. Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил декабрда мамлакатимиз тарихида илк бор эркин индустриал-иқтисодий зона айнан шу вилоятда ташкил қилингани бу борадаги ишларни янада самарали йўлга қўйишда қўл келмоқда.

Йиғилишда юқорида қайд этилган қонун ҳужжатларининг вилоятдаги ижроси таҳлил қилинди. Ўрганишлар натижасига кўра, сўнгги йилларда ҳудудда чет эл инвестицияларини жалб этиш, улар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг бу жараёндаги ролини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилган. Натижада 2012 йилда вилоят иқтисодиётига 210 миллион АҚШ долларига яқин чет эл инвестициялари ва кредитлар жалб этилди.

Тадбирда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди. Қайд этилганидек, ҳозир бу ерда дунёнинг 22 мамлакати инвестициялари иштирокидаги 47 та корхона фаолият юритмоқда. Барпо этилган корхоналар 30 та тармоқни, жумладан, электрон, электр лампа, кимёвий, тўқимачилик ва ипакчилик, ёғ-мой саноати, электр жиҳозлари, тикувчилик буюмлари, тиббий техника, қурилиш материаллари, ликер-арақ, сутли маҳсулотлар консервалари, алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш, шунингдек, чарм ва жунни қайта ишлаш, деҳқончилик, балиқчилик корхоналарини, транспорт хизматлари ва бошқаларни ўз ичига олади. 2005 — 2012 йиллар мобайнида чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар томонидан 1,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 523,9 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинган.

Жорий йилда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, ХХР, АҚШ, Германия, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон ва бошқа мамлакатлар иштирокида 25 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Муҳокама давомида сенаторлар мазкур йўналишда вилоят маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари ишида айрим камчиликлар мавжудлигига эътибор қаратдилар. Хусусан, қабул қилинган қарорларнинг ижро этилишини назорат қилиш, вилоятда, айниқса, туманларда кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштириш соҳасида мавжуд имтиёзлар ва кредит тизимлари, шунингдек, ушбу кредит тизимларини ўзлаштиришга ўқитиш имкониятлари тўғрисида тадбиркорларни хабардор қилиш бўйича ишлар талаб даражасида олиб борилмаётгани таъкидланди.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни бартараф этишга оид зарур кўрсатмалар берилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда юқори технологиялар, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш соҳаларидаги ҳамкорлик катта истиқболга эга экани таъкидланди.

— Қўмиталар ўз фаолияти давомида Япония билан Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни изчил ривожлантириш борасида катта ютуқларга эришди, — деди “Марубени Корпорейшн” компанияси вице-президенти, қўмита ҳамраиси Мамору Секияма. — 2012 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил тўлди. Бу давр мобайнида давлатларимиз ўртасида кўплаб соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари қарор топди. Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун мамлакатларимиз саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириши зарур, деб ўйлайман.

Савдо, сармоя, банк-молия, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, Япония компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда ўзаро фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зонасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг макроиқтисодий ривожланиши, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболлари, сармоявий муҳитни такомиллаштириш чора-тадбирлари ва Япония компанияларининг Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга оширишдаги иштироки, мамлакатларимизнинг нефть-газ, кимё саноати, автомобилсозлик, электр техникаси ва тўқимачилик соҳаларидаги ҳамкорлиги истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Маҳаллийлаштириш дастури:

# Юксак эътибор ва салмоқли натижалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Коллежда олган билимим ҳамда амалиётни ўташ чоғида устозларимдан ўрганганларим янги иш жойимда қўл келаяпти, — дейди Шерзодбек Орипов. — Кўчаларимизда елдек учаётган автомобилларимизнинг чиройли кўриниш касб этишида бизнинг ҳам улушимиз борлигидан фахрланамиз. Эндиликда 18 турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаяпмиз.

Вилоятда бу борада бир қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётир. Шаҳрихондаги “СДК Гроуп Анд” хорижий корхонаси — шулардан бири. 6 миллион 882 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестиция киритилиши эвазига барпо этилган мазкур корхонада автомобилларнинг фильтрлари ишлаб чиқарилади. Йилига 3-3,5 миллион дона маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Корхонада айни пайтда 185 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган бўлса, улардан 56 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.



— Шаҳрихон сервис коллежини битирганман, — дейди Жанубий Кореядан келтирилган мураккаб технологиялар билан “тиллашаётган” Ўткирбек Аҳмедов. — 70 га яқин тенгдошларим томонидан тайёрланаётган турли фильтрлар асакалик автомобилсозларга манзур бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати, 2012 йилда янги корхонада 5 миллиард 559 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 85 минг АҚШ долларилик қисми хорижга сотилди. Айни пайтда Қозоғистоннинг “Атамекан” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “Шериф авто” корхонасининг 3,3 миллион АҚШ долларилик буюртмасини бажаришга киришилган.

Мухтасар айтганда, ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Андижон вилоятидаги ҳудудий корхоналар томонидан жами 74,6 миллиард сўмлик бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Бу, албатта, истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётганининг юксак самарасидир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ**
**(суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

ДУНЁ НИГОҲИ

*Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътиборида турган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.*

# «Political Events» Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар ҳақида

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасини шарҳлар экан, **Ҳиндистонда нашр этиладиган “Political Events” ахборот-таҳлилий журнали** юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида халқ фаровонлиги тобора юксалиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди.

“Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди”, дея ёзилади журналда.

“Political Events” журнали ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, республикамизда электр таъминотининг сифати ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида энергетика мажмуасини техникавий ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилаётган улкан эътиборга юксак баҳо берган. “Бунинг ёрқин исботи “Навоий иссиқлик электр станцияси”да Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши бўлди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча 2,8 миллиард кВт соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шу билан бирга, шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта қисқартириш ҳамда ҳар йили 400 миллион куб метр ҳажмдаги газни иқтисод қилиш имконини беради”, дея ёзилади “Political Events” журналида.

Мамлакатимизда автомобиль саноати ривожланиши ҳақида ҳикоя қилар экан, нашр Самарқанд вилоятида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда йилига уч мингта юк машинасини ишлаб чиқариш қувватига эга янги мажмуа қурилишининг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етганини билдиради. Шунингдек, дунёнинг энг илғор тажрибалари ва юксак мезонлар асосида қурилган мазкур мажмуа замонавий юк ташиш автомобиллари билан нафақат мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжини таъминлаши, балки уларни экспортга ҳам йўналтириши мақолада алоҳида таъкидланади.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли.

# Жамият ривожи ва ОАВ фаолияти

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Regional Dialogue” (Словения) нодавлат нотижорат ташкилоти ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда ижтимоий аҳамиятга молик ахборот олишни таъминлаш механизмларини янада такомиллаштиришга бағишланган очиқ мулоқот ўтказилди.*

ТАДБИР

Унда турли вазирлик ва идораларнинг ахборот хизматлари раҳбарлари, журналистлар қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ахборот хизматларининг бу борадаги фаолиятини кучайтириш долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган эди. Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида фуқаролик жамияти институти тизимида ОАВнинг ролини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда ошкоралигини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

— Маълумки, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Шу боисдан юртимизда оммавий ахборот воситаларини, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари ахборот хизматларини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жумладан, Фонд томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматларининг имкониятларини кенгайтиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Натижада уларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказишдаги ўрни ортиб бораяпти.

Тадбирда иштирокчиларга ОАВ ва ахборот хизматлари ҳамкорлигига оид илғор назарий услублар тақдим этилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳудудларда банклар томонидан кўп қаватли тураржойларни қуриш учун кредит маблағлари, ёш оилаларга эса ушбу тураржойларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитларини ажратиш янада кенгаяди.

Давлат дастурида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, асосан, хотин-қизлар ишлайдиган ва раҳбарлик қиладиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Шунингдек, сут ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади ва бу оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта рағбат бўлади. Тадбиркор хотин-қизлар бошланғич капиталини тўлдириш учун, фермер хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларини, айниқса, қишлоқ жойларда ўз ишини бошлаш истагидаги битирувчи қизлар ҳам имтиёзли кредитлар олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш учун спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишда ҳам шундай молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган. Тижорат банклари мутахассислари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

“Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш” лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тадбиркорга имтиёзли микрокредитлар ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмалари ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини эгаллаш бўйича “Ўз оилавий келажагингни режалаштир” мавзуида тренинглар ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандлари бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, аввалламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган маиший техника ҳамда товарларни харид қилиши учун истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш, кундалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож турмуш қураётган ёшларга никоҳ тўйларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серқирра қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тадбирлар режалаштирилган. Бу борада анъанага айланган “Йил аёли” миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърий тўпламлари чоп этилади. Иқтидорли ёш олима хотин-қизлар ва илмий тадқиқотчилар ўртасида “Илм юлдузлари” танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида “Ораста қизлар” тўгараклари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантиқий давомидир. “Обод турмуш йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳар бир оилада фаровонлик ва умуман, юртимиз равнақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 5 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2058,05 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3046,15 |
| 1 Дания кронаси | 353,99 |
| 1 БАА дирҳами | 551,62 |
| 1 АҚШ доллари | 2026,04 |
| 1 Миср фунти | 300,59 |
| 1 Исландия кронаси | 16,31 |
| 1 Канада доллари | 1968,37 |
| 1 Хитой юани | 325,48 |
| 1 Россия рубли | 66,13 |
| 1 Украина гривнаси | 253,48 |
| 1 Малайзия ринггити | 652,82 |
| 1 Польша злотийси | 638,57 |
| 1 СДР | 3054,28 |
| 1 Туркия лираси | 1126,39 |
| 1 Швейцария франки | 2150,79 |
| 1 евро | 2655,28 |
| 10 Жанубий Корея вони | 18,58 |
| 10 Япония иенаси | 217,08 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# Замин меҳрдан яшнайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соҳада эришилаётган муваффақиятларнинг бир неча омиллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг муҳими, бу — ирригация ва мелиорация юмушларининг ўз вақтида сифатли бажарилаётганлиги. Сўнгги беш йил ичида 2008 — 2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида 56 миллиард сўмдан зиёд маблағ экин майдонларининг унумдорлигини ошириш мақсадларига сарфлангани бунинг яққол далилидир.

2013 йилда ушбу йўналишдаги лойиҳалар учун Давлат бюджетидан 28 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган. Бу — 27 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ошади, деганидир.

Вилоятда дастур ижроси юзасидан бажарилаётган кенг қамровли тадбирлар натижасида 1257 та фермер хўжалиги тасаррufидаги 174 минг 800 гектар экин майдонининг сизот сувлари белгиланган меъёр даражасида пасайди. Бу, ўз навбатида, ҳосилдорликни пахтачиликда 2-3, ғаллачиликда 3-5 центнерга кўтариш имконини берди.


Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Тизим тадбирларининг сифатли бажарилиши, кўп жиҳатдан, зарур техника воситалари билан қай даражада таъминланганликка боғлиқ. Шу боис 12 миллиард сўм маблағ ушбу мақсад йўлида сарфланиб, лизинг асосида хориждан 55 та турли русумдаги экскаватор, 17 та бульдозер, 37 та бошқа турдаги ёрдамчи техника келтирилди. Бундан ташқари, ўтган даврда 16 та мелиоратив насос станцияси ва 64 та тик қудуқ ишчи ҳолатга келтирилди.

Бугунги кунда мавжуд техникалар кучидан унумли фойдаланилиб, барча зовур ва коллектор тармоқларини тизимли равишда тозалаш ҳамда бошқа тадбирлар сифатли бажарилаяпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мелиорация ишларининг нозик томони шундаки, унинг кечикиши оқибатида сизот сувлари сатҳи кўтарилиб, экин майдонлари яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бундай жойдан ҳосил олиш тугул, ниҳол кўкартириш ҳам амри маҳол. Буни, айниқса, Фарғона тумани фермерлари яхши билишади. Негаки, ўтган йили қадимий Лоғон қишлоғидаги 28 та фермер хўжалигининг аксариятида мўлжалдаги ҳосил олинмади.

— Сабаби оддий экан, — дейди “Лоғон” ҚФЙ раиси Хайрулло Сайдуллаев. — Қишлоғимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи Ўртаариқнинг сув йўли тўсилиб қолганлиги туфайли захкўтарилиб кетибди. Мутахассисларнинг тавсияси билан 2012 йилнинг октябрида уни тозалашга киришилди. Қисқа вақт ичида ариқнинг 7 километри ҳомийлар маблағи эвазига, 5 километри эса ҳашар йўли билан кавланди. Сув йўлидаги газ, электр, ичимлик суви, канализация тармоқлари, кўприклар янгиланди. Бунинг самараси ўлароқ, аҳоли томорқалари, фермер хўжаликлари далаларидан зах қочирилди. 2013 йилда яна 5-6 километр масофада шундай тадбирлар бажарилади.

Дастур доирасида 2013 — 2017 йиллар мобайнида 98,2 миллиард сўм ўзлаштирилиб, 89,6 километр узунликдаги коллектор тармоқлари, 5 дона мелиоратив насос станцияси, 296 дона тик зах қочириш қудуғи, 73 та гидротехник иншоот ҳамда 632 та назорат қудуғини қуриш ва қайта қуриш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, 10,3 минг километрлик коллектор, 225,2 километрлик ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқлари, 50 дона мелиоратив насос агрегати, 2174 дона тик зах қочириш қудуғи таъмирланади ва қайта тикланади. Ушбу жараёнда мазкур давр ичида сотиб олинадиган 47 та замонавий экскаватордан унумли фойдаланилади.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш, модернизациялаш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган лойиҳалар ижросига халқаро ташкилотлар сармоялари жалб этилаётгани эътиборга моликдир. Бундай ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, Жаҳон банкининг салкам 68 миллион 500 минг АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкининг 33 миллион 500 минг АҚШ долларидан ортиқ кредит маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу “Бешариқ”, “Фурқат-1” ва “Данғара” насос станцияларини реконструкция қилиш, Риштон, Олтиариқ, Ёзёвон, Боғдод туманларида жами 50 минг гектар экин майдонининг сизот сувини пасайтириш, суғориш тизимини такомиллаштириш имконини яратади.

Она заминга меҳрини бераётган фарғоналикларга ер ҳам бор саховатини улашмоқда. Риштон туманининг “Зоҳидон” шаҳарча фуқаролар йиғинида томорқадан бир йилда тўрт марта ҳосил олишга муваффақ бўлингани бунинг яққол далилидир. Фуқаролар йиғини раиси Эркинжон Абдуллаевнинг айтишича, етиштирилаётган турфа хил нознеъматлар нафақат ички бозорга чиқарилаяпти, ҳатто, экспорт қилинмоқда. Бу оилаларнинг даромад манбаи кўпайиб, турмуши обод бўлишининг кафолатидир.

— Давлат дастури доирасида Риштон туманининг 74 та қишлоқ, шаҳарча ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларида кенг кўламли мелиорация юмушлари бажарилаяпти, — дейди “Маҳалла” жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Саминжон Ниёзов. — Натижада сўнгги йилларда Оқ ер, Носгар, Тўда қишлоқларида сизот сувлари пасайиб, тупроқ унумдорлиги ошди. Захи кетган ерлар гуллаб-яшнаб, боғ-роғларга бурканмоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда экин майдонларининг ҳолати ва тупроқ таркибини яхшилаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар Фарғонада ҳам ўзининг юқори самарасини бераяпти. Деҳқон ва фермерлар томонидан ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштирилиб, йил давомида аҳоли дастурхонига арзон ва сифатли маҳсулотлар тортиқ қилинаётир. Зеро, замин инсон меҳридан тобланади.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фермерлик ҳаракати истиқболи

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунга асосан, ўтган қисқа давр ичида кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, унинг ижросига киришилди.

Дастурда жорий йилда 17 мингдан ортиқ кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг учун 740 млрд. сўмдан зиёд маблағ жалб этилиб, улар қошида мева-сабзавот, гўшт-сутни қайта ишлаш корхоналари барпо этилади, интенсив боғлар яратилади, шунингдек, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик билан шуғулланиш йўлга қўйилади. Пировардида 90 мингдан ортиқ иш жойлари очилиб, қишлоқ аҳолисининг шунча қисми бандлиги таъминланади.

Ҳозирги пайтга қадар 7033 та ана шундай кўп тармоқли фермер хўжалиги ўз фаолиятини бошлаган.

Анжуманда фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги техникалари, минитехнологиялар ва ихчам ускуналарга ортиб бораётган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида кўрилаётган амалий чора-тадбирлар, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кўрсатилаётган лизинг хизматлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Энг йирик истеъмолчи

***Хитой дунёдаги энг йирик нефть истеъмол қилувчи давлатга айланди.***

Чин ўлкаси бу борада ўтган асрнинг 70-йилларидан бери етакчи бўлиб келаётган АҚШни ортда қолдирди.

“The Financial Times” нашрининг ёзишича, 2012 йилнинг декабрь ойига келиб, Хитой бир кеча-кундузда четдан 6,12 миллион баррель нефть сотиб олган. АҚШда эса бу кўрсаткич 5,98 миллион баррелни ташкил этган.

Халқаро энергетика агентлиги 2010 йилда Хитой энергия ресурслари истеъмоли бўйича ҳам етакчи ўринга кўтарилганини маълум қилганди. 2011 йилда эса ушбу мамлакат хориждан кўмир сотиб олиш борасида Японияда ўзиб кетган.

### Фалокатга ёмғир сабаб

***Конго Демократик Республикасининг Гома шаҳрида “Fokker 50” русумли йўловчи самолёти қулаб тушди.***

Фожиа оқибатида камида 50 нафар одам ҳаётдан кўз юмгани айтилмоқда. Маҳаллий “САА” авиакомпаниясига қарашли мазкур ҳаво лайнери аэропортга етти километр масофа қолганида фалокатга йўлиққан.

Дастлабки тахминларга кўра, бунга ўша пайтда ёғаётган кучли ёмғир сабаб бўлган.

### Вазият мураккаблашмоқда

***Испанияда февраль ойида ишсизлар сони яна 59,4 минг кишига кўпайган.***

Бу январь ойидаги кўрсаткичдан 1,2 фоизга кўпдир. Натижада бу ерда муқим иш жойига эга бўлмаганлар сони беш миллион нафардан ортиб кетди. Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали мамлакат меҳнат вазирлиги ва миллий статистика бюроси маълумотларига таяниб хабар тарқатди.

Евростат эса Европада ёшлар орасида ишсизлик, айниқса, кучайиб бораётганини қайд этди. Буни қитъадаги иш билан таъминланмаганларнинг 24,2 фоизини ёшлар ташкил қилаётгани ҳам кўрсатиб турибди.

### Янги рўйхат

***“Форбс” журнали сайёрамизнинг энг бадавлат кишилари рўйхатини эълон қилди.***

Унда мексикалик миллиардер Карлос Слим кетма-кет тўртинчи бор биринчи поғонани банд этди. Айни пайтда бу ишбилармоннинг умумий капитали 73 миллиард АҚШ долларига тенг.

Рўйхатда “Microsoft” компанияси асосчиси Билл Гейтс иккинчи бўлди. У ҳозир Слимдан 6 миллиард кам сармояга эга.

“Zara” савдо белгиси хўжайини Амансио Ортега 57 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги капитали билан учликдан жой олди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

● Реклама ва эълонлар ●

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 2 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар:

**I.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилган:

**1.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-ноҳияда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автомобилларни ювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино-иншоотлар.
***Бошланғич нархи — 1 317 621 690 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.
***Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.
***Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв.м., уч қаватли бино биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.
***Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм.***

**5.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.
***Бошланғич нархи — 604 310 000 сўм.***

**6.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғи, Д. Тустемов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала-ҳовли.
***Бошланғич нархи — 653 690 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси.
***Бошланғич нархи — 379 280 000 сўм.***

**II.** Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 255 151 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 253 586 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 4-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 5-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 7-хонадонда жойлашган, умумий майдони 241,81 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 5-қаватидаги 6 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 527 113 000 сўм.***

**8.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 8-хонадонда жойлашган, умумий майдони 239,4 кв.м. бўлган, 6/5-6/7 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 521 859 000 сўм.***

**9.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 9-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**10.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 10-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 150 000 сўм.***

**11.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 11-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,21 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 3-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 258 122 000 сўм.***

**12.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 2-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 273 000 сўм.***

**13.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 13-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 257 747 000 сўм.***

**14.** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 98-уй, 14-хонадонда жойлашган, умумий майдони 118,94 кв.м. бўлган, 6 қаватли уйнинг 4-қаватидаги 3 хонали уй.
***Бошланғич нархи — 259 715 000 сўм.***

**III.** 2013 йил 9 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилган: Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2009 йил 4 ноябрдаги 57/09-2009-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Марказ-15-даҳаси, 3/4-уй, 12-хонадонда жойлашган, умумий майдони 51,79 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 31,83 кв.м. бўлган 2 хонали уй-жой.
***Бошланғич нархи — 56 413 591 сўм.***

***Талабгорлар диққатига!*** Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 9 апрель кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган такрорий аукцион савдоси 2013 йил 24 апрель куни соат 11.00 да бўлади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» «Мирзо Улуғбек» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.
www.realtgroup.uz
Лицензия: № RR-0017.
325R/105

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 январдаги 2-124/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Shela Ram Textile Trading» ШКга тегишли, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Сукрот кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3781 кв.м. бўлган 4 қаватли, ертўлали маъмурий бино ва иншоотлар такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 289 433 131,55 сўм.***

*Аукцион савдоси 2013 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.*

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.
318R/1453

Сара уруғ — юқори ҳосил гарови

Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан
маккажўхори ва чорва озуқа экинлари уруғларини
таклиф қилади.



УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН.
Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46.
Факс: (+99871) 257-58-61.
180R/124

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноатининг барча мутахассислари WorldFood Uzbekistan ва AgroWorld Uzbekistan кўргазмаларида учрашадилар.

2013 йил 3-5 апрель
Тошкент, «Ўзэкспомарказ» МКК.

worldfood UZBEKISTAN agroworld UZBEKISTAN

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ
13 - Халқаро кўргазмаси

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
8 - Халқаро кўргазмаси




www.worldfood.uz • www.agro.worldfood.uz

ТАШКИЛОТЧИ
ITE Uzbekistan
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А» уй.
Тел.: (+99871) 113-01-80. Факс: (+99871) 237-22-72.
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member

Ipack UZBEKISTAN plastex Chemie
facebook.com/ITEUzbekistan.uz
Guvohnoma № 3583

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros®
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:
• савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
• бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
• ресторанлар, кафе, барлар;
• фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.
Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.
Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулот сертификатланган

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.
www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz
33R/770

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

*Ҳар бир байрамни ютуқ ва муваффақиятларни сарҳисоб қилиб, келгусидаги режаларни пишиқ-пухта тузган ҳолда нишонлаш халқимизга хос хислат. Бу фазилат шу кунларда — баҳор таровати уфуриб, офтоб тафти вужудга хуш ёқа бошлаган паллада янада яққолроқ намоён бўлмоқда.*

# Урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси

*Бинобарин, халқимиз бугун боғ-роғларда, қишлоғу кентларда шоду хуррамлик ила бетакрор байрам — Наврўзга муносиб пешвоз чиқишга қизғин тараддуд кўрмоқда. Яқинда қабул қилинган “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган устувор вазифалар белгилаб берилганки, буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон манфаатлари юксак эъзозланаётганининг ёрқин ифодасидир.*

— Юртимизда амалга оширилаётганислоҳотлар, маънавий қадриятларимизга эътибор, келажак ворислари учун яратилаётган шарт-шароит, аҳоли саломатлигини асраш борасидаги туб бурилиш — буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, — дейди Республика “Нуроний” жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — Мана шундай осуда кунларни орзу қилган, бироқ армонда ўтганлар қанча?! Хусусан, халқимизнинг азалий байрами — Наврўзни олайлик. Илгари ушбу айёмни қисиниб-қимтиниб қарши олардик. Бугун эса Наврўз ўзининг қадр-қимматини топди. Ўзбекистон Наврўзи бўлиб таърифи оламга кетди. Айни кунларда ҳар бир гўшада авж олиб бораётган ободончилик, кўкаламзорлаштириш, хайру саховатга йўғрилган тадбирлар қизғин амалга оширилмоқда. Жумладан, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида халқимиз манфаатига хизмат қилувчи кенг кўламли тадбирлар қамраб олинган. Хусусан, унда бир қанча эзгу ташаббуслар қатори маҳалла ичкарисидаги йўллар ва махсус ажратилган “яшил” майдонларга ҳар йили 15 миллионта манзарали ва 29,5 миллионта мевали дарахт, 10 миллион туп бута ва гуллар экилиши кўзда тутилган. Бу эса маҳалламиз, қишлоғимиз янада кўрку тароватга бурканади, деганидир. Энг муҳими, давлатимиз томонидан турмуш фаровонлигини бугунгидан-да юқори поғонага кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самараси ҳар қадамда кўзга ташланаяпти. Бундай ўзгаришлар, айниқса, обод қишлоқларимиз қиёфасида яққол намоён бўлмоқда.

— Илгари қишлоқ ва шаҳар ўртасида катта фарқ бор эди, — дейди Шаҳрисабз туманидаги Оммағон қишлоғида яшовчи ўқитувчи Бухор Алиқулов. — Энди эса қишлоқларимиз шаҳардан қолишмайди. Муҳташам мактаблар, коллежлар, қишлоқ врачлик пунктлари, минимаркетлар, спорт билан шуғулланишга мўлжалланган мажмуалар болаларимиз ихтиёрида. Бу фарзандларимизнинг келажагига мустаҳкам пойдевор қўйилаётганлигининг яна бир юксак ифодасидир. Мана шу каби хайрли юмушлар Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилиши Давлат дастурида белгиланган. Айниқса, ушбу ҳужжатда эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, икки ёшгача фарзанди бор оилаларга нафақалар тайинлаш, 8 минг нафарга яқин ёлғиз қарияларни ҳар ойда текин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилгани мамлакатимизда ҳар бир инсон эътибор ва эъзоз оғушида эканлигини англатади. Ушбу байрам баҳона биз, маҳалла фаоллари ўзаро кенгашиб, кимнинг қандай режаси бор, ким тўй қилмоқчи, ким ёрдамга муҳтож — мана шулар ҳақида маслаҳатлашиб оламиз.

Айни пайтда жойларда байрам билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликсиз, тинч, осойишта ва тантанали ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳар бир маҳаллада байрам дастури ўша ҳудуддаги таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўзига хос анъана ва қадриятлар асосида ташкил этилишига ҳозирлик кўрилмоқда.

Мухтасар айтганда, бу галги Наврўзнинг Обод турмуш йилида нишонланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, азалий қадриятлари тикланган, ҳар бир соҳа ривожига эътибор қаратилаётган, кишилар меҳнати муносиб рағбатлантирилаётган юртда жамият мустаҳкамланиб, ҳаёт обод ва фаровонлашиши, шубҳасиз. Президентимизнинг 2013 йил кириб келиши муносабати билан халқимизга йўллаган табригида айтилганидек: “Ўзбекистонимизнинг бугунги кунда бутун дунё тан олаётган юксак марраларга эришишида, бир сўз билан айтганда, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда, аввало, шу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг муносиб ҳиссаси борлигини, бу ютуқларнинг барчасига халқимизнинг кундалик оғир ва машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бир ёқадан бош чиқариб, ягона оила бўлиб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кўз қорачиғидек асраб яшаётганимиз мустаҳкам замин бўлаётганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим”.

Бундай эътироф шу азиз Ватанимиз — Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро ва оилага кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ғамхўрликнинг олий намунасидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

КЎРГАЗМА



## Дилга яқин манзаралар

*“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан мўйқалам устаси В. Трошинанинг “Бетакрор лаҳзалар” деб номланган кўргазмаси очилди.*

Обод турмуш йили муносабати билан ташкил этилган ушбу кўргазмада она-Ватан тимсоллари ҳамда аёлларга кенг ўрин берилган.

— Она замин ҳаммамиз учун муқаддас, — дейди мусаввир. — Жонажон Ўзбекистон, юртимизда кечаётган бунёдкорлик ишлари, меҳнатсевар халқимиз ҳаётини тараннум этиш ижодий ишларимнинг бош мавзуси, десам, янглишмайман. Негаки, ижодкор учун Ватанни куйлашдан ортиқроқ бахт йўқ.

**Аббос ЭРГАШЕВ.**

## Тасвирларга кўчган гўзаллик

*Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида мусаввир Шаҳноз Абдуллаеванинг ижодий ҳисоботи тасвирий санъат ихлосмандларида яхши таассурот қолдирди.*

Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмада мусаввирнинг турли мавзудаги элликдан зиёд асарлари ўрин олган. Улар орасида тарихий мавзулардан тортиб, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, эртанинг ишончи билан яшаб, меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг хуш кайфиятлари акс этган намуналар ҳам бор.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

● Реклама ва эълонлар ●













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5